



**“Олмалиқ кон – металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
ЯГОНА АКЦИЯДОР ҚАРОРИ**

2024 йил 28 август

3 - сонли

Олмалиқ ш.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” 2014 йил 6 майдаги ЎРҚ-370-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 майдаги ПҚ-182 сон Қарорига мувофиқ ягона акциядори бўлган “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти томонидан қабул қилинди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масала юзасидан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Саноат учун муҳим минераллар хомашё базасини шакллантириш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2024 йил 20 майдаги ПҚ-182 сонли қарорининг 3-иловасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятига комбинатнинг асосий вазифаларидан келиб чиқиб ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топшириғи белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-182 сонли қарори ҳамда “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятининг Уставига мувофиқ комбинатнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш таклиф қилинади.

Кун тартибидаги масала юзасидан қарор қилинди:

1. “Ўзбекистон технологик металл комбинати” акциядорлик жамиятининг ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

“Олмалиқ КМК” АЖ
бошқарув раиси

А. Хурсанов